

UDC 37

FORMATION OF INDEPENDENT WORK SKILLS IN FUTURE TEACHERS BASED ON A CREATIVE APPROACH

U.U. Kurbonova¹, M. Kamolova²

Abstract

In this article is organized the system of continuous education, independent works and theoretically-practical aspects and effectiveness degrees are illuminated.

Key words: knowledge, habit, qualifications continuous education, independent works.

Узлуксиз таълим самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларининг ба-жарилиш сифатини таъминлаш, ҳозирда жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таълим олдида турган вазифаларни ҳал этиш бевосита ўқитувчи фаолиятига, унинг фаоллигига, билим олувчиларни таълим жараёнида фаоллаштириш лаёқатининг юқори даражада эканлигига боғлиқлиги аниқланди. Ўқитувчи ўқувчиларни билим эгаллашда фаоллаштирадиган, барча учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, таълимнинг турли хил воситаларини ва вазиятларини излайди.

Янги авлодни янги тарбиялаш, янги яшашга, фикр юритишга ўргатиш зарурлиги биринчи Президентимиз томонидан асослаб берилган эди. Бунинг учун эса, маорифнинг таълим-тарбия мазмунини янгилаш, янги бошқариш, янги қуриш, ислоҳ этиш зарур эди. Шу муносабат билан фанни ўқитишдаги анъанавий усуллардан ноанъанавий усуллар таълимнинг қизиқарли, фаол усуллари, янги инновацион усулларига ўтиш орқали педагогик жараёнлар ўзгартирилди.

Мустақил ишлар фан ва мазмун жиҳатидан ДТС, ўқув фанининг ишчи дастури ҳамда дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларнинг мазмуни бўйича аниқланади.

Мустақил иш ўқувчи томонидан янги билимлар ва кўникмаларга ўқитувчининг бевосита иштирокисиз фаол ва мақсадга йўналтирилган ҳолда эга бўлиш усулидир.

Мустақил иш шартли равишда ихтиёрий ва назорат қилинадиган мустақил иш тур-ларига бўлинади.

Ихтиёрий мустақил иш – билим олувчининг аудиторияда ўтиладиган машғулот-ларда тайёрланишини таъминлайди. Бундай тайёргарликнинг натижаси ўқувчининг дар-сларидаги фаоллиги ва у томонидан бажариладиган назорат ишлар, назорат топшириқла-рида ўз аксини топади.

Назорат қилинадиган мустақил иш – билим олувчиларнинг билимларини чуқур-лаштириш ва мустаҳкамлаш, ўқув фанидан мавжуд муаммолар бўйича аналитик кўникма-ларни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Назорат қилинадиган мустақил иш тури ўқитувчи томонидан тузилган режа асосида амалга оширилади ва ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Билим олувчиларнинг билимларни эгаллаш ва мустақил фикрлашга ўргатиш, авваламбор, мустақил ишларни бажариш, олдида турган муаммо ва масалалар-нинг ечимини топиш жараёнида шаклланади.

Баъзи олимлар мустақил ишлар деганда ўқитувчининг бевосита ёрдамсиз, аммо унинг назорати остида бажариладиган вазифаларни тушунишса, бошқалари билим олувчилардан фаол ақлий фаолиятни, ташаббускорликни, аввал олинган билимларни амалиётда қўллашни талаб қиладиган ишлар деб билишади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, бизнингча, мустақил ишлар билим олувчиларнинг ақлий имкониятларини намойён қилишга имкон берадиган, уларнинг бевосита ва бевосита иштирокида, аммо бевосита ёрдамсиз назарий-амалий ма-териаллар устида бажариладиган вазифалар бўлиб, билим олувчиларнинг нафақат билим даражаларини, балки уларнинг ўзлаштирган билимларини амали-ётда қўллай билишларини, мустақил ва мантиқий фикрлаш даражаларини аниқлаш ва шакллантириш имкониятини берадиган онгли фаолиятдир.

Таълим жараёнида қўлланиладиган мустақил ишларни биз тавсифлашда фаолият мазмунига асосландик. Яъни:

1. Репродуктив мустақил ишлар.
2. Реконструктив мустақил ишлар.

¹Курбонова Улмасой Усмановна – преподаватель, Бухарский государственный уни-верситет, Узбекистан.

²Камолова Махлиё – преподаватель, Бухарский налоговый колледж, Узбекистан.

3. Ижодий мустақил ишлар.

Демак, узлуксиз таълим тизими жараёнида билим олувчиларни мустақил фикрлашга, онгли фаолият юритишга ўргатиш келажакда уларни жамиятимиз, давлатимиз тараққиёти учун зарур, баркамол шахс сифатида шаклланишида бош омил бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда ўқитувчи шахси касбий фаолияти билан бир қаторда юксак касбий тажриба ва маданияти муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джураев Р.Х., Шегай И.Л. Роль образования в формировании гармонично-развитого поколения в условиях глобализации экономики // Узлуксиз таълим. Тошкент, 2013. № 6. С. 45-48

© U.U. Kurbonova, M. Kamolova, 2018.
